

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 21 июнь, № 118 (3917)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ Республика аҳолисини ахборот- кутубхона билан таъминлашни ташқил этиш тўғрисида

Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда кутубхона тармоғини ташқил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эhtiёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий кадрларни сақлаб қолишга йўналтирилган принципал янги ахборот марказларини барпо этиш, шунингдек, аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кутубхоналарини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОУ-МТнинг ўрта махсус касб-хуна таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш йўли билан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари хузурида ахборот-ресурс марказларини тузиш;

Қорақалпоғистон Республикасининг Республика кутубхонаси, вилоятлар илмий-универсал кутубхоналари, шунингдек, Тошкент шаҳар марказий кутубхонаси негизда идоравий жиҳатдан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига бўйсунувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларини ташқил этиш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

2. Кўйилган ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот

технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш;

миллий маънавий-ахлоқий кадрларни кенг қўламда тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишни таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиш бериш;

янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш;

маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Ахборот-кутубхона марказлари зиммасига: аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш;

кутубхоналарга аънавий кутубхона хизмати кўрсатишдан ўз ахборот-кутубхоналарини яратиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини бериш йўли билан ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга ўтишни таъминлаш;

универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондларни шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун бериш;

йўл-йўл электрон каталог ёрдамида ахборот ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш;

(Давоми 2-бетда).



Республикамизнинг ҳозирги иқтисодий ривожланиш босқичида қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаларидан бири — боғдорчилик ҳам қатта эътибор қаратилаётганда.

Хусусан, боғдорчилик ширкат хўжаликлари негизда янги фермер хўжаликлари ташқил этилиши тўғрисида маълумотлар берилган.

Суратда: фермер хўжалиги раҳбари Боғмурод Алламбергенов ва ишчи Светлана Ерекеева ҳосил чўғини чамалашмоқда.

Бердинёв АЛЛАШЕВ (ўз.) олган сурат.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фракция йиғилиши

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда фракция аъзолари парламент кўйи палатаси аъло мажлиси муҳокамасига киритилган "Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан фикр билдирдилар. Айтиш жоизки, мамлакат саломатлигини ривожлантириш ва мустақамлашда соғлиқни сақлаш тизимида хизмат қиладиганларнинг муносиб хиссаси бор. Тиббиёт ходимларининг ана шундай масулулият меҳна-

тани муносиб баҳолаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мувофиқдир. Шу боис, фракция аъзолари 2006 йил мамлакатимизда Хомийлар ва шифокорлар йили, деб эълон қилиниши муносабати билан Президентимизнинг қарори қабул қилингани, маъмур қарорнинг 3-бандига мувофиқ, қаб байрами — "Тиббиёт ходимлари кунини" тасвир этиш тақлифи берилиши кўрсатиб ўтилганлиги борасида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда янги мажлис кун тартибига биринчи ўқишда киритилган "Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Монреаль, 1997 йил 17 сентябрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Пекин, 1999 йил 3 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳалари ҳам атрофича кўриб чиқилди.

Ўз мухбиримиз.

Демократик жамият барпо этишда оммавий ахборот воситалари ҳал қилувчи ўрин тутаяди, нафақат муайян мамлакатлар, балки глобал мўқдда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнларга жиддий таъсир кўрсатади. Тошкентда бўлиб ўтган халқор учрашув — давра суҳбатда шу ҳақда сўз борди. У Сибсий тадқиқотлар маркази (Ўзбекистон) томонидан ташқил этилди. Давра суҳбатнинг мавзуси — "Замонавий ахборот майдонининг шаклланиши: медиа хуудини ташқил этишда ахборот технологиялари, тузулмаларнинг ёндашув ва минтақавий хусусиятларнинг роли", деб аталди.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА

Учрашувга қўллаб-қувватловчи журналистлар ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш соҳаси ҳамда унга дахлдор илмий фанлар, жумладан, социология, психология, юқори технологиялар, иқтисод, маданиятшунослик, сийасатшунослик каби соҳалар мутахассислари тақлиф этилди. Учрашувнинг хорижий иштирокчилари орасида Бельгия, Буюк Британия, Германия, Хиндистон, Хитой, Корея Республикаси, Қирғизистон, Россия, АҚШ, Франция, Япониянинг етакчи экспертлари бор.



Мухаммад АМИН олган сурат.

Сибсий тадқиқотлар маркази директори, сибсий фанлар доктори Г.Каримова учрашувни очар экан, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиши ва ижтимоий муносабатлар тизимида уларнинг аҳамияти қатта эканлигини таъкидлади. Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Илғор ахборот-коммуникация технологиялари уларнинг ривожланишига хизмат қилмоқда, чунки технология ёрдамида ахборот олиш имконияти тобора кенгаймоқда. Айтиш пайтда, глобаллашув шароитида турли мамлакатларнинг тарихий-маданий хусусиятлари ва ривожланишидаги ўзига хосликларини сақлаб қолиш мақсадида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Учрашувда катнашчилари оммавий ахборот воситалари соҳаси билан боғлиқ урта асосий жиҳат — уларнинг ахборот ишлаб чиқарувчилар сифатидаги фаолияти, оммага таъсири ва ахборотни етказиш воситаси сифатида АҚТни ривожлантириш масалаларини кўриб чиқдилар.

Таъкидландики, ахборот майдонининг глобаллашуви жараёнида замонавий технологияларга асосланган телевидение ва Интернетнинг пайдо бўлиши ҳисобитининг ҳуқуқий базаси яратилган ва у такомиллаштирилмоқда, бу база ахборотнинг очиклиги, ошқорали-

вазифага айланмоқда. Биринчи навбатда оммавий ахборот воситалари фаолияти ва ахборот технологияларидан фойдаланишда маданий сонининг ортишига хизмат қилади. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг илғор ахборот-коммуникация технологиялари (АҚТ), шу жумладан, рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш жамиятини янада демократлаштириш жараёнида уларнинг фаолигини ва таъсирини оширишга ёрдам беради.

Учрашувда ахборот жамияти ҳақда шаклланиётган, глобал ва минтақавий хавфсизликка нисбатан янги таҳдидлар ва янги муаммолар пайдо бўлаётган ҳозирги шароитда етакчи оммавий ахборот воситаларининг стратегияси оид масалалар муҳокама қилинди. Франциянинг электрон оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишни рағбатлантириш бўйича "Алматропи" ассоциацияси президенти С.Судоплатов, Россиянинг "Политика" жамғармаси президенти В.Никонов,

(Давоми 3-бетда).

Эркинлик — ўзбошимчалик эмас

Ҳаётда баъзи думи хуржунда ишларни кўрганда беихтиёр Насриддин Афанди латифлари ёдингизга тушади.

Бир кун Афанди нафси ҳақлақ отиб, қўшнисининг боғига кўз олайтирибди. Айни меваларни қўнқиға солган маҳал боғ эгаси келиб қолиб: — *Ие, бизнинг боғда нима қилиб юрибсиз? — деб сўроққа тугтибди.*

Гуноҳ устида қўлга тушган Афанди: — *Нега ўзингиз хотинингизга қовуш олиб бермайсиз? — дебди дабдурустан.*

Шу билан латифа тугайди. Лекин ҳаётда Афандининг ҳолига тушган баъзи инсонлар ҳақиқат олдида тан бергилари келмагани қизиқ. Бинобарин, ҳар бир оиланинг ички ишлари бўлгани каби, ҳар қандай давлатнинг ўзи ўрнатган тартиботлари борки, уларга бурнини тиккан арбоблар ҳаддан ошиш айнан демократияга, давлатлар дахлсизлигига хилоф эканлигини унутмасликларни керак.

Айтилдики, бир неча ойлاردан буйён Франция пойтахти Парижда тартибсизликлар бўлиб турибди. Бутунжаҳон хабарномаси — Интернет саҳифаларида бу ҳақдаги ахборотни қандайдир хавотир билан, «Ишқилиб, шу тўқнашувлар тезроқ тинчисин-да», деган хоҳиш билан кузатишимиз. Лекин ҳеч ким бу мождарларни ўрганиш, хулоса чиқариш учун халққаро экспертлар гуруҳини киритиш лозим, деган

баёнот билан чиқмапти. Чунки Париждаги воқеалар мамлакатнинг ички иши, уни тартибга солиш ҳам Франция раҳбарлари зиммасида. Шундай экан, икки ёқлама стандартлар нечун?

Шуниси алам қиладикки, айрим сиёсатдонлар Европадаги тартибсизликларни ҳам демократия намунаси деб тақдим қилишяпти. Таваб деб ёқа улашдан бошқа иложимиз йўқ.

Ҳеч иккиланмасдан айта оламизки, биздаги маҳалла тушунчаси шарқона демократиянинг, халқона дипломатиянинг энг ёрқин ифодасидир. Қаранг, тўй қилмоқчи бўлсангиз, моддий имкониятингиз қандай эканлигидан қатъи назар, албатта маҳалла сизга пешвоз чиқади. Оқсоқоллар дуоси, кўни-кўшиллар хизмати, қариндошлар мадади — буларнинг ҳаммаси азалий аънавлар сифатида маҳалла хайрихолигида амалга ошади. Маҳалла

бар жойда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳаммаслақлик каби энг эзгу хислатлар малҳам каби жонингизга аро қиради.

Шу сатрларни ёзаётганимизда, маҳалланинг нима

Мушоҳада

эканлигини фақат унда яшаган, баҳраманд бўлган одамгина ҳис қиладик, деган фикр шууримга келди. Рост-да, маҳалладан йироқ, табиатдан бегона одам қаёқдан билсин. Афсуски, олис Европанинг қалашиб кетган кварталларида яшаётган, ўрни келса, ўз фарзандидан қозонни алоҳида қиладиган зотлар бизнинг маҳаллага тил теккизишни ўзларига энг кўряптилар. Уларнинг назарида, гўё маҳалла одамларнинг қадимини ўлчовчи, эркини чекловчи идора эмиш. Ҳой, баракда топгур, сен, аввало, маҳалла ишига баҳо бериш-ҳақим борми-йўқми,

деб ўйлаб кўр? Аслида, маҳалладан таркиб топган аънавлар фақат ва фақат инсон манфаатларига хизмат қиладди. Қолаверса, бу ердаги тартибот бизнинг ички ишимиз. Узгаларнинг ички ишларига аралаштиш, унга қарши даъватлар билан чиқиш Ер юзидagi мавжуд халққаро мезъерларга оёқ босиш эмасми? Президентимиз Осиеда ҳамкорлик ва ишонч чоралари буйича кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг Олмаота саммитида сўзлаган нутқидан бошқа халқларнинг кўп аерлик аънавлари, турмуш тарзи ва менталитетига бепасанд муносабатда бўлишининг нохуш оқибатлари хусусида огоҳ этди.

Инсон ҳуқуқининг дахлсизлиги, эркин ҳаёт кечирishi ҳар жойда турлича талқин қилинаётганлиги боис, баъзан ҳеч бир қушқонга сиймайдиган ҳолатлар намойён бўлмоқда. Тунов кун «Евроноус» каналида «Шарҳсиз» рукни остида бир манзара кўрсатилди. Испаниянинг Мадрид шаҳрида ёзиб олинган бу тасвирда ая-яланғоч эркаклар ва аёллар телосипеда миниб йўлга отланишиб-

Ш. ЖАББОРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Республика аҳолисини ахборот-кўтубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш вазифаси юклансин.

4. Куйидагилар: ахборот-ресурс тармоғи ва ахборот-кўтубхона марказлари схемаси 1-иловага мувофиқ;

ахборот-ресурс ва ахборот-кўтубхона марказларини яратиш топшириғи 2-иловага мувофиқ;

республика ахборот-кўтубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идораларо кенгаш таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Республика ахборот-кўтубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идораларо кенгаш:

бир ой мuddатда белгиланган тартибда кутубхоналарини, 4-иловага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОУМТВнинг Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ихтиёрига бепул ўтказишни ҳамда улар оқилона қайта ташкил этилишини;

икки ой мuddатда барча кутубхона фондларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказиш учун эксперт комиссиялари тузилишини;

икки ой мuddатда ахборот-кўтубхона ва ахборот-ресурс марказлари ишини белгилаб берувчи тегишли норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилишини;

ахборот-кўтубхона ва ахборот-ресурс марказлари танлов асосида малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

ахборот-кўтубхона ва ахборот-ресурс марказлари юқоқ самара билан фаолият кўрсатишини ҳамда аҳолининг барча қатламлари улардан бемалол фойдалана олишларини таъминласин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Идораларо кенгаш тўғрисидаги низоми ишлаб чиқилиши ва тасдиқласин.

Амалга оширилган ишларнинг яқунлари тўғрисида 2006 йилнинг 1 декабрига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентини девокнига маълумот берилсин.

6. Белгилансинки, ахборот-кўтубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятини молиялаштириш давлат бюджетни маблағлари ва ҳомиёларнинг маблағлари

ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2007 йилнинг январидан бошлаб ахборот-кўтубхона ва ахборот-ресурс марказларида электрон кутубхоналарни ташкил қилган ҳамда илғор ахборот технологияларини татбиқ этган ҳолда ушбу марказларни компьютерлаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ахборот-ресурс марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига:

ахборот-кўтубхона марказларини белгиланган тартибда "ZiyoNET" ахборот тармоғига боғичма-боғич улаш ва уларнинг ресурсларига аҳоли кенг қатламларининг киришини таъминлаш;

электрон кутубхоналар тизимини ривожлантириш, кутубхона ахборот ресурсларини тизимлаштириш вазифаси юклансин.

8. 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат маданият институти ва Тошкент ахборот технологиялари университетида "ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик" таълим йўналиши бўйича бакалаврият кадрлари ҳамда магистратура тегишли мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

бир ой мuddатда ахборот-кўтубхона ва ахборот-ресурс марказлари кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга нисбатан қўйиладиган талабларни ишлаб чиқин ва тасдиқласин;

электрон дарсликлар ва кутубхоналар, мультимедиа тизимлари ва дастурлари яратилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Маъзур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 20 июнь.

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЗАРУР

Россия Федерациясининг Наркотиклар айланishi нazorат қилиш бўйича федерал хизмати директори Виктор Черкесов раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарлари билан учрашди. Мулоқотларда мамлакатларимизнинг наркотика қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлигига, жумладан, ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлиги билан биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва кучайтиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Гўёхандлик, ушшан жиноятчилик ва наркотик савдоси билан боғлиқ масалаларда ахборот алмашуви йўлига қўйишда алоқадор эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан гўёхандлик моддаларининг айриқунун айланishiга қарши курашиш борасида илҳом қоралари билан амалга оширилди. Ушшан йили наркотиклар билан боғлиқ юзлаб жиноят фш этилди, 1222 килограмм оғу, шу жумладан, 467 килограмм героин қўлга олинди.

Кучларни ўзаро бирлаштиришда наркотика қарши кураш борасидаги ҳамкорликнинг нозоратини савдосига қарши курашда қўйилган натижага эришди. Булар билан биргаликда, Россияда гўёхандлик қарши курашда қўйилган натижага эришди. Булар билан биргаликда, Россияда гўёхандлик қарши кураш борасидаги ҳамкорликнинг нозоратини савдосига қарши курашда қўйилган натижага эришди. Булар билан биргаликда, Россияда гўёхандлик қарши кураш борасидаги ҳамкорликнинг нозоратини савдосига қарши курашда қўйилган натижага эришди.

Мамлакатимизда бу соҳада гўёхандлик қарши кураш борасидаги ҳамкорликнинг нозоратини савдосига қарши курашда қўйилган натижага эришди. Булар билан биргаликда, Россияда гўёхандлик қарши кураш борасидаги ҳамкорликнинг нозоратини савдосига қарши курашда қўйилган натижага эришди.



Бир газетанда ўқиб қолдим: Япониянинг ҳар бир фуқароси мамлакатимга бир миллион доллар фойда келтирганидан сўнггина ўзим ҳам фойда қўришга маънавий ҳаққим бўлади, деган ақидига амал қилиб яшар экан. Кўнчир мамлакатнинг қисқа мuddатда тараққий топишида халқ онгига сингдирилган мана шу шир ҳам қайсидир маънода тараққийнинг ҳал қилувчи омилларидан бўлгани аниқ.


Бугун Бухорода яшаб, меҳнат қилаётган одамлар ҳаётини кузатар эканман, уларнинг феъл-атворида японларникидек ўз юртига садоқат, немисларникидек мустаҳкам сабр-бардош ва ўзбекча меҳнатқилиш ҳислатлари мужассамлашганлигини кўраман. Албатта, бундай халқнинг яратувчанлик салоҳияти ҳам улкан бўлади.

Бир неча ҳафтадан сўнг мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигини нишонлаймиш. Бундай шўхуқий кунларда ордада қолган оғир, синовли йилларга назар ташлаш кишига бугунги фарахбахш кунлар қадрини оширади.

Президентимизнинг ўтган йили иқтисодиётни янада зорқиллаштириш, ишбилармонлар олдидидаги турли сўний тўсиқ ва говларни олиб ташлаш юзасидан чиқарган бир қанча фармон ҳамда қарорлари Бухорога ҳам ҳорижий инвестиция жалб қилинишини жонлантириб юборди. 2004 йилда вилоятга жалб

ИСТИҚЛОЛ МАНЗИЛЛАРИ

Бухоро вилояти



ОЗОДЛИКДАН ҚУДРАТ ОЛГАН ЮРТ

Хорижлик ишбилармонлар билан тенг шерикликка асосланган ҳамкорликни йўлга қўймоқдалар.

Президентимизнинг ўтган йили иқтисодиётни янада зорқиллаштириш, ишбилармонлар олдидидаги турли сўний тўсиқ ва говларни олиб ташлаш юзасидан чиқарган бир қанча фармон ҳамда қарорлари Бухорога ҳам ҳорижий инвестиция жалб қилинишини жонлантириб юборди. 2004 йилда вилоятга жалб

Бундан тўрт-беш йил олдин банкдан кредит олиб иш бошлаган ишбилармон турли тўсиқларга учар ёки устамма фойзалар юқорилиги боис кўп ҳолларда боши берк қўчага кириб қоларди. Ҳозир эса олган кредитидан тadbиркорнинг ўзи ҳам, жамият ҳам бaрaкa топмоқда. Шунга кўра, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида жорий йил бошдан бунён 888 та тadbиркорлик

1 миллиард 430 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Махсус лабораторияларга Жанубий Кореядан энг замонавий тиббиёт жиҳозлари келтирилди. Улар ёрдамида юзга яқин тахиллар ўтказиш мумкин. Бундан ташқари, электрокардиограмма хонасида 30 хил текширув амалга оширилмоқда. Ультратовушли асбоблар ёрдамида организмдаги ҳолатлар тўғри аниқланади. Бош мия, умуртқа поғонаси, суяклар

ганди. У пайтлардаги шароит ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Биз салгина шамолда кулаб кетадигандай туюладиган бинони ҳар йили ҳашар йўли билан қайта-қайта таъмирдан чиқардик. Энди-чи?..

Халқимизнинг бошида ҳурлик қўёши чарақлаб, мамлакатимиз озодликка эришгандан сўнг бошқа соҳалар каби таълимда ҳам барча ишлар ўз измига тушиб, кетди. 2004 йилга келганда, у пайтлардаги шароит ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Биз салгина шамолда кулаб кетадигандай туюладиган бинони ҳар йили ҳашар йўли билан қайта-қайта таъмирдан чиқардик. Энди-чи?..

та эътибор берилмоқда. Барча мактабларда Директор жағғармалари ташкил қилинган. Моҳир, сидқидилдан меҳнат қилиб, ўз устида тинимсиз ишлайдиган ўқитувчилар бу жағғармалар орқали рағбатлантириб бoрилади. Ушшан даврда жағғармаларга ажратилган маблағнинг қарийб 99,7 фоизи ўзлаштирилди. Махсус комиссия қарорлари билан Директор жағғармасидан 12329 нафар ўқитувчиға устама тўловлар белгиланди. Бу вилот бўйича умумий ўқитувчилар сонининг 40 фоизини ташкил қилади. 2006 йилда уларнинг ойлиги 22-25 фоизга ошди.

Бу муборак заминда ўтган азиз-авлиёларнинг руҳлари қўллаган Бухоро аҳлини биз ҳаммамиз қўли қил, қили соф, иймони бўтин ва ироғаси бақувват кишилар сифатида жўда яхши биламиз ва хўрмат қиламиз

Ислом КАРИМОВ

Рақамлар сўзласин

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик тузилмалари сони 26741 тани ташкил қилди.

1992 йилда фермер хўжаликлари сони 112 тани ташкил қилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 13375 тага етди.

Вилоятда 13 та тижорат банки бўлиб, уларнинг 54 та филиали ва 117 та мини банк фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда банкларнинг жами активлари миқдори 174 миллиард сўмни ташкил қилади.

Мустақиллик йилларида 62 та йирик қўшма корхона ишга туширилди.

Бухорода 541 та мактаб, 4 та академик лицей, 45 та касб-хунар коллежи мавжуд. Жорий йилда яна 5 та касб-хунар коллежи ишга туширилиши режалаштирилган

Вилоятда 327 та кишлоқ врачлик пункти бўлиб, шундан 104 таси охириги ўн йил давомида бунёд этилди.



Бухоро вилоятининг ҳудуди 40,32 минг квадраткилометрдан иборат ва бу ерда 1525,9 минг киши истиқомат қилади.

Вилоятда 11 та шаҳар, 11 та туман ва 120 та кишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд.

2000 йилда вилоятда ялпи ички маҳсулот ҳажми 213,6 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, 2005 йилга келиб бу кўрсаткич 937,3 миллиард сўмга етди. Жорий йилда бу рақам 1134 миллиард сўмга етиши кўзда тутилмоқда.

қилинган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 4464 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, 2005 йилга келиб 14693,3 миллион сўмга етди, яъни 329 фоиз ёки 3,3 баробарга ортди.

1995 йили вилоятдаги йирик қўшма корхоналар сони 12 та эди. Ҳозирга келиб уларнинг сони 62 тага кўпайди. Солиқ юқининг камайтирилиши натижасида корхоналар ихтиёрида 6,5 миллиард сўмлик маблағ қолди. Одамларимизнинг реал даромади 130 фоизга кўпайди.

Бозор муносабатларида асосланган миллий иқтисодиётни қарор топтиришда молия маассасалари муҳим аҳамиятга эга. Ҳозир вилоятда 13 та тижорат банки ва уларнинг 54 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари очилиши муносабати билан банк хизматиға талаб ҳам кўчайиб бормоқда. Тadbиркорликнинг ривожланиши бошорини банк миқозларининг кўпайганидан ҳам билса бўлади. Хусусан, ўтган бир йил мубайнада айнан тadbиркорлик субъектлари ҳисобланган банк миқозлари сони 3458 тага кўпайди.

субъектиға 6,9 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Бу маблағлар яқин орада ишлаб чиқаришнинг янада ўсишига хизмат қилади.

Каерда миллат соғлом бўлса, ўша ерда ривожланиш бўлади, жамият ривож топади. Бу соҳада вилоятда қилинаётган улкан ишларни айтиб саногоға етиш қийин. Бугунги кунда 6587 уринли 37 та касалхона, 65 та поликлиника, 927 та кишлоқ врачлик пункти, Республика шозишини тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва 11 та тез тиббий ёрдам бўлими, 18 та хусусий шифохона ишлаб турибди. Уларда 4,5 минг нафар врач, 17 минг нафардан ортқ ўрта тиббиёт ходими эл саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилмоқда.

Сўнгги ўн йил давомида туман ва шаҳарларда 104 та янги қишлоқ-врачлик пункти қурилди. Эскилар эса қайтадан реконструкция қилиниб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Мен таълим соҳасида кўп йиллар меҳнат қилганман. Шу боис бу йўналишда олди бoриладиган ислохотлар қандай кетаётганини ўзим шохиди бўлганман. дейишга ҳаққим бор. Ушим раҳбарлик қилаётган Бухоро автомобиллар ва йўлар коллежи аслида бундан 37 йил муқаддам, ўтган асрнинг 20-йилларида қурилган эски бинода ташкил этил-

либ коллежимиз бутунлай янгиға қиёфа касб этди. Унинг қурилишиға 2 миллиард 400 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Ишонасизми, биз янги бинони 35 йилдан ортқ кутдик. Ҳозир бу ерда 40 та фан, 4 та ўқув, 3 та компьютер хонаси, 4 та фан лабораторияси мавжуд. Ҳаммаси яп-янги. Давомини суриштирсангиз, Бухорода бундай коллежлар сони 46 тани ташкил қилди. Шундай шароитни кўриб, гоҳида ёшларимиздан фақат энди яхши ўқишгина қолди, холос деган фикрга бораман.

Бола асосий билимини мактабда олади. Бирок, буюк келажакни яратётган халқ фарзандларига энди фақат бўр ва доска билан сабоқ бериб бўлмайди. Шундай экан, бу соҳада фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар заммасига катта меҳнат ва маъсулият юкланади. Шу боис мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари Бухоро вилоятида ҳам бунга ўта долзарб масала сифатида қаралмоқда. Ўз навбатида ўқитувчиларнинг моддий-маънавий манфаатдорлигини оширишға ҳам кат-

Ҳамза МУҲАМЕДОВ,
Бухоро автомобил ва йўлар коллежи директори,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Германиянинг А.Шпрингер номидаги нашриёт уйи Журналистлар мактаби директори ўринбосари Р.Порш, Корея Республикаси Ахборот ва коммуникация университети профессори Чжу Хун Сун, Россия телерадиошунтириш миллий уюшмаси президенти Э.Сагалаев, Япониянинг "NHK" телерадиокомпанияси маъмурий ресурслар департаменти бошқармаси бошлиги Н.Накамур, бошқа танikli журналистлар ва оммавий ах-

борот воситалари ҳамда ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари шу ҳақда гапирдилар. Улар учрашув катнашчиларини оммавий ахборот воситаларининг жамият ва бизнес билан алоқаси, жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги таъсири каби йўналишларда ўз мамлакатларининг назарий ва амалий ютуқлари билан таъкирладилар.

Анжуманда истеъмолчиларнинг турли гуруҳлари истақ ва эҳтижларини ўрганишининг янги услубларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Оммавий ахборот воситалари бундай технологиялар ва услубларга таяниб, ахборотни етказиб беришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли стратегияларини яратмоқда. Айти пайтда унинг айрим турларига, шу жумладан, сибсат, икисод, савдо, фан, таълим, маданият каби соҳаларда аҳоли талабини шакллантирмоқда. Учрашувда, шунингдек, жаҳон таърибасининг бошқа жиҳатлари ҳам тилга олинди. Улар орасида истеъмолчи ахборотни етказиб бериш со-

ҳасида устуворликларни танлаш, оммавий ахборот воситалари ишида ахборотни узатиш тезлиги ортиши билан боғлиқ ўзгаришлар, электрон ресурслар ривожланиши натижасида медиа бозорида рақобатнинг кескинлашуви каби долзарб масалалар бор.

Таҳлилчилар, тадқиқотчилар ва журналистлар глобал ахборот майдонининг узвий қисми сифатида Марказий Осиё давлатлари ахборот хуудларининг ривожланиши ва шаклланиши истикболларини ҳам кўриб чиқдилар. Бунда уларнинг ўз стратегик манфаатлари ҳамда "рақамли" ва медиа хууду соҳасида дунёнинг етакчи мамлакатлари билан ҳамкорлиги ҳисобга олинди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов иштирок этди.

А.ИВАНОВА,
Ф.АРЗИЕВ,
ЎЗА мухбирлари.


ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Бундан бир мuddат олдин жаҳон матбуотида Шимолий Кореяда 6 минг километр радиусли «Тэпходон-2» баллистик ракета синовдан ўтказилиши эҳтимоли борлиги тўғрисида хабарлар тарқалганди.

«Тэпходон-2» кавотири уйғотмоқда

Кунни кеча АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс мамлакат Шимоли-шарқда мазкур ракета синов майдонида тайёр ҳолда турганлигини таъкидлади. Унинг бу чиқиши



дунёнинг бир қатор давлатларида қаттиқ хавотир уйғотди.

Мабодо ракета учирадиган бўлса, у нафақат Япония ороллари, балки АҚШнинг Аляска хуудига ҳам етиб бора олади. АҚШ Давлат департаменти томонидан эълон қилинган баёнотда айтилишича, расмий Пхеньян 1999 йилда ва 2002 йилда имзоланган ўзаро келишувга зид иш тутмоқда. Шимолий Корея ҳукумати ҳозирча нечта ракета парвозга шай тургани юзасидан изоҳ бермапти, лекин давлат ахборот агентликларининг хабарида айтилишича, Корея армияси кудратини ошириш учун шундай йўл тутилмоқда.

АҚШ Президенти Жорж Буш 12 та давлат раҳбари билан телефон орқали боғланиб, юзага келган вазиятни муҳокама қилди. Япония Бош вазири Дзюньитиро Коидзуми душанба кунини ўтказилган матбуот анжуманида ракета синовини ўтказмаслик учун барча чоралар кўрилишини билдирди.

Харбийлар уйларига қайтади



Япония ўз харбий хизматчиларини Ироқ хуудидан олиб чиқишга қарор қилди. «Ҳукумат Ироқ хуудидан япон харбий гуруҳларини тинчлик ўрнатиш йўлидаги сазй-ҳаракат тугаганлиги сабабли олиб чиқиш ниятида», — дейилади сешанба кунини тарқатилган мамлакат вазирлар маҳкамаси баёнотида. Ҳозирча япон харбий хизматчиларининг қачон Ироқ хуудини тарқ этиши аниқ эмас.

Япония томонидан 2004 йилда бошланган Ироқда тинчлик ўрнатиш йўлидаги сазй-ҳаракат япон харбийларининг Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, мамлакат хуудидан ташқаридаги биринчи харбий операцияси ҳисобланади. Айти пайтда Ироқда 600 га яқин япониялик харбий хизмат қилмоқда.

Мухторият учун референдум

Испаниянинг Каталония вилоятида мустақиллик ҳуқуқини берувчи муҳтими референдум ташкил қилиш юзасидан умумхалқ референдуми ўтказилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, сайловчиларнинг 74 фоизи таклифни қўллаб-қувватлаган, 21 фоизи эса қарши овоз берди. Янги хартия Каталонияга давлат сифатида ўзини-ўзи бошқарадиган мухторият мақомини беради.

Бугунги кунда Каталонияда 7 миллион аҳоли истиқомат қилади. Испания ялпи миллий маҳсулотининг 20 фоизи мазкур мухториятга тегишлидир.

ПУЛИНГИЗ ҲАРАКАТДА БЎЛСИН

«Коммунал» омонати	йиллик 24 фоз	12 ойгача бундан мuddатга қабул қилинади (фонслар олдиндан ҳисоблашиб, коммунал тўловлар учун юборилган)
«Истиқбол» омонати (фоз капитализациясиз)	йиллик 22 фоз	2 ойлик мuddатга
«Жилба» омонати	йиллик 21 фоз	3 ойлик мuddатга
«Адолат» омонати	йиллик 20 фоз	6 ойлик мuddатга (фонсларни ҳар ойёв олиш мумкин)
«Алтиқ» омонати (фонслар капитализациясиз)	йиллик 22 фоз	1 ойлик 3 ойгача мuddатга
	йиллик 21 фоз	3 ойлик юқори 6 ойгача мuddатга
	йиллик 20 фоз	6 ойлик юқори 12 ойгача мuddатга
«Пластик карточка»	йиллик 16 фоз	мuddатсиз (фоз қолдиқ суммаси ҳисобланади)

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 132-13-18, (8-371) 133-31-62, info@protekaibank.uz

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатган фозли томонидан қафолатилган.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

мажлислар залларига конференц алоқа ўрнатиш учун танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун маҳаллий ва хорижий етказиб берувчилар, шу жумладан, кичик бизнес корхоналари (юридик шахслар) таклиф этилади.

Танлов ўтказилиши ҳақидаги маълумотни куйидаги манзил буйича олиш мумкин: Тошкент ш., Абай к., 4-уй. Телефонлар: 144-97-62, 144-97-44, 144-97-14, ички телефонлар: 200, 762, 744. Факс: 144-22-96.

Танловда иштирок этиш учун аризалар эълон чоп этилгандан бошлаб 20 кун давомида (шанба ва яшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.



O'ZSANOATQURILISHBANK

Муҳим фактлар тўғрисида хабарнома

Банк — Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки.
Манзил — 700000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Шахрисабз» кўчаси, 3-уй.

Хабарноманинг тартиб рақами — 05

- Муҳим факт номи — эмитентнинг қимматли қоғозлари буйича даромадларни ҳисоблаш ва (ёки) тўлаш.
- Қимматли қоғозлар тури — акция.
- Қимматли қоғозлар категориялари:
 - эғасининг номи ёзилган оддий акция;
 - эғасининг номи ёзилган имтиёзли акция.
- Дивидендларни тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарорни қабул қилиш санаси — 2006 йил 2 июнь.
- Дивидендларни тўлаш мuddати — дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кун ичида.
- Дивидендларни тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарорни қабул қилган орган — «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг акциядорлар умумий йиғилиши.
- Дивидендлар миқдори:
 - эғасининг номи ёзилган оддий акция — бир дона акцияга 270 сўм ёки 18%;
 - эғасининг номи ёзилган имтиёзли акция — бир дона акцияга 600 сўм ёки 40%.
- Акциялар умумий сони:
 - эғасининг номи ёзилган оддий акция — 8.865.695 дона (номинали 1.500 сўм);
 - эғасининг номи ёзилган имтиёзли акция — 1.200.000 дона (номинали 1.500 сўм).
- Тўлаш шакли — пул маблағлари.

Изоҳ: дивидендларнинг миқдори юридик ва жисмоний шахсларга тўланадиган дивиденд ва фозлар сифатида олинган даромад солиғи инобатга олинмаган ҳолда эълон қилинган.

Хабарноманинг тартиб рақами — 09

- Муҳим факт номи — акциядорлар умумий йиғилишининг қарори.
- Умумий йиғилиш тури — йиллик умумий ҳисобот йиғилиши.
- Умумий йиғилишни ўтказиш шакли — шахсан.
- Умумий йиғилишни ўтказиш санаси — 2006 йил 2 июнь.
- Умумий йиғилиш баёнотининг расмийлаштириш санаси — 2006 йил 16 июнь.
- Умумий йиғилиш ўтказиш жойи — Тошкент шаҳри, «Хоразм» кўчаси, 6-уй.
- Умумий йиғилиш қворуми — 87,32%.
- Умумий йиғилиш кун тартибига ва овозга қўйилган масалалар ҳамда улар буйича овоз бериш натижалари:
 - «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 2005 йилги иш якунлари тўғрисидаги банк бошқарувининг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш ва банкнинг 2006 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида.

Қабул қилинган қарор: «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 2005 йилги иш якунлари тўғрисидаги банк бошқарувининг йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Банк кенгаши ва бошқарувининг фаолияти қониқарли деб топилсин.

Овоз бериш: «тарafdор» — 7.741.263 овоз, «қарши» — йўқ, «бетараф» — йўқ.
 - Банк тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.

Қабул қилинган қарор: Банкнинг тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш: «тарafdор» — 7.739.982 овоз, «қарши» — йўқ, «бетараф» — 1.281 овоз.
 - Банкнинг 2005 йил 31 декабрь ҳолатидаги бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини, 2005 йилдаги харажатларини тасдиқлаш ва 2005 йилдаги фойдасини тақсимлаш масаласи.

Қабул қилинган қарор: Банкнинг 2005 йил 31 декабрь ҳолатидаги бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини, 2005 йилдаги харажатларини тасдиқлаш ва 2005 йилдаги фойдасини тақсимлаш:
 - Банкнинг 2005 йил 31 декабрь ҳолатидаги 522.202.274 минг сўм миқдоридagi баланс валютаси билан бухгалтерлик баланси тасдиқлансин.
 - Овоз бериш: «тарafdор» — 7.741.263 овоз, «қарши» — йўқ, «бетараф» — йўқ.
 - Банкнинг 2005 йилги фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисобот 8.920.748 минг сўм миқдоридagi соф фойда билан тасдиқлансин.
 - Овоз бериш: «тарafdор» — 7.741.263 овоз, «қарши» — йўқ, «бетараф» — йўқ.
 - Банкнинг 2005 йилдаги харажатлари солиқ тўловларини ҳисобга олган ҳолда 56.211.733 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.
 - Овоз бериш: «тарafdор» — 7.661.366 овоз, «қарши» — йўқ, «бетараф» — 79.897 овоз.
 - Банк кенгаши таклиф этган фойдани тақсимлаш тартибига розилик билдирилсин.
 - Овоз бериш: «тарafdор» — 7.741.263 овоз, «қарши» — йўқ, «бетараф» — йўқ.
 - Банк кенгашининг банк акциядорларига 2005 йил учун дивиденд тўлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.
 - Овоз бериш: «тарafdор» — 7.740.716 овоз, «қарши» — йўқ, «бетараф» — 547 овоз.
- 2006 йилга банк ташқи аудиторини тасдиқлаш ва уни хизмат ҳақининг энг юқори миқдорини белгилаш масаласи.

Қабул қилинган қарор: Банкнинг 2006 йилги ташқи аудитори этиб «Эрнст энд Янг» компанияси тасдиқлансин ва унинг 2006 йил якунлари буйича аудиторлик текшируви ўтказиш буйича хизмат ҳақининг энг юқори миқдори 75.000.00 АҚШ доллари (ҚҚСни инобатга олган ҳолда) суммасида белгилансин.

Овоз бериш: «тарafdор» — 7.739.982 овоз, «қарши» — йўқ, «бетараф» — 1.281 овоз.
- 2005 йилги иш якунларига кўра, банк кенгаши аъзолари ва тафтиш комиссияси раисини тақдирлаш масаласи.

Қабул қилинган қарор: Банк кенгаши аъзолари ва тафтиш комиссияси раисини 2005 йилги иш якунларига кўра тақдирланишига рухсат берилсин.

Овоз бериш: «тарafdор» — 7.741.263 овоз, «қарши» — йўқ, «бетараф» — йўқ.
- Банк кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.

Қабул қилинган қарор: Банк кенгашининг айрим аъзолари банк акциядорлари билан меҳнат муносабатларини тугатганликлари ва бир қатор акциядорларнинг банк устав капиталидаги уларнинг ҳиссаларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг вакилларини банк кенгаши таркибига сайлаш имкониятини кўриб чиқиш илтимоси билан муносабатларини инобатга олиб:

 - Банк кенгаши таркибидан куйидагилар чиқарилсин:
 - Аҳмеджанов Маҳаммадҷон Аҳмедович, «Ўзқишлоқўж» халқлик-холдинг» холдинг компанияси АЖ бошқаруви раисининг ўринбосари;
 - Тожибоев Анвар Каримҷонович, «Ўзмонтажмахсуқурилиш» уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари;
 - Шоисматов Эргаш Раҳматуллаевич, акциядор «Ўзбекэнерго» ДАК билан меҳнат муносабатларини тугатганиги сабабли.
 - Овоз бериш: «тарafdор» — 7.741.263 овоз, «қарши» — йўқ, «бетараф» — йўқ.
 - Банк кенгаши таркибига куйидагилар сайлансин:
 - Ашрапов Рустам Обидович, Тошкент вилояти адвокатлар ҳайъати раиси;
 - Султонов Шавкат Шукрхонович, «Ғазалкент ойна» ҚК бош директори;
 - Тешабоев Ботирҷон Маматхонович, «Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви раиси.
 - Овоз бериш: «тарafdор» — 7.741.263 овоз, «қарши» — йўқ, «бетараф» — йўқ.

- Банк бошқаруви раиси ва бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини 1 (бир) йилга узайтириш масаласи.

Қабул қилинган қарор: Банк бошқаруви раиси ва банк бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномалари 1 (бир) йилга узайтирилсин.

Овоз бериш: «тарafdор» — 7.741.263 овоз, «қарши» — йўқ, «бетараф» — йўқ.
- Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Қабул қилинган қарор: Банк уставига киритилаётган ўзгартиришлар тасдиқлансин.


Овоз бериш: «тарafdор» — 7.739.982 овоз, «қарши» — йўқ, «бетараф» — 1.281 овоз.

Хабарноманинг тартиб рақами — 10

- Муҳим факт номи — мансабдор шахсларнинг шахсий таркибидagi ўзгаришлар.
- Ўзгартириш содир бўлган орган номи — банк кенгаши.
- Ваколатлари тугатилган шахслар.
 - Банк кенгаши

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Кенгаш аъзосининг банк устав капиталидаги улуши
1.	Аҳмеджанов Маҳаммадҷон Аҳмедович	0,0048
2.	Тожибоев Анвар Каримҷонович	0,0272
3.	Шоисматов Эргаш Раҳматуллаевич	0,0002
 - Банк органлари таркибига сайланган шахслар
 - Банк кенгаши

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Кенгаш аъзосининг банк устав капиталидаги улуши
1.	Ашрапов Рустам Обидович	0,0000
2.	Султонов Шавкат Шукрхонович	0,0000
3.	Тешабоев Ботирҷон Маматхонович	0,0000
- Ўзгартиришлар санаси — 2006 йил 2 июнь.
- Ўзгартиришлар тўғрисида қарор қабул қилган орган — «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг акциядорлар умумий йиғилиши.
- Қарор қабул қилинган сана — 2006 йил 2 июнь.


Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНИҒИЗ КАЛИТИДИР!

ҒУЗОРЛИК НУРОНИЙЛАР ЗИЁРАТИ

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги сайёҳаракати билан шу кеча-кундузда бир савобли тадбир амалга оширилмоқда. Маълумки, бу йил Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги нишонланади. Бундан ташқари, қашқадарёликлар яна икки улкан тарихий воқеа арафасида туришибди: булардан бири — Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи бўлса, иккинчиси — буюк бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темурутваллудиннинг 670 йиллигидир.



Вилоят аҳли ана шундай муҳим саналарни муносиб нишонлаш мақсадида катта тайёргарлик кўришляпти. Байрамларга таралдуд доирасида қашқадарёлик уруш ва меҳнат фахрийлари она Ватанимиз бўйлаб ажойиб зиёрат сафарларига чиқишмоқда.

муносиб жавобдир. Яқинда бу ерда мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт уйинлари ҳамда мамлакатимиз хотин-қизлари спартакиадаси зўр муваффақият билан ўтказилганлиги бизни фахрлантирди.

қариялар буни ҳаммага, айниқса, ёшларимизга айтишимиз керак. Улар Ватанимизнинг Президентимиздан ўргансинлар...

Хайрли тадбир

Уч кун мобайнида улар пойтахт манзаралари билан танишдилар. Мустақиллик майдони, «Шаҳидлар хотираси» мажмуи, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, шаҳар марказидаги Амир Темурутвалли оқсоқолларда жуда катта таассуротлар қолдирди. Бундан ташқари, ғузорлик отахонлар шаҳарнинг тарих ва санъат музейларида, бир неча олий ўқув юртиларида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида бўлишди. Театрларга бориб томошалар кўришди. Биз меҳмонлар билан Мустақиллик

ларни улуғловчи ҳайкал, ҳазин кўринишдаги «Мотамсаро она» тимсоли, «Хотир китобларини кўриб таъсирланмаслик, ўткир ҳис-туйғуларга берилмаслик асло мумкин эмас. Таассуротларни ифодалашга сўз охиш.

Ғузорлик отахонлар юрт саёҳатидан ҳаяжонли ўй-кечинмаларни руҳиятларига жойлаб, уй-уйларига қайтилар. Худди шундай саёҳат Қашқадарё вилоятининг бошқа туманларидаги муҳтарам нурунийларга ҳам уюштирилади.

Яқинда Халқаро бизнес маркази биносида «Болалар неврологиясининг долзарб муаммолари»га бағишлаб илмий-амалий анжуман ўтказилди. Республиканинг етук олимлари, ёш мутахассислар ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирокида бўлиб ўтган ушбу тadbир соҳа мутахассисларига болалар ўлимини камайтириш ва соҳадаги мавжуд муаммолар борасидаги салмоқли ечимларни излаб топишга имкон яратди.

Илмий-амалий анжуман

Шу билан бирга, анжуман ёш мутахассисларнинг ташхис қўйиш ва замонавий усулда даволаш, профилактика ишларини янада такомиллаштириш каби тажрибаларини таҳлил этишда муҳим аҳамият касб этди.

— Болалар неврологияси соҳасидаги асосий вази-

фалардан бири бу борадаги аниқ тамойилларни ишлаб чиқишдир, — дейди республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.Комитов. — Бунинг учун, энг аввало, ёш мутахассислар болалар неврологияси хусусидаги жажон тажрибасини чуқур ўзлаштиришлари зарур.

ИИБ матбуот маркази хабар қилади

Қотил ўсмирлар

Узун туманида яшовчи 2-синф ўқувчиси А. шу йил 22 апрелдан буён бедарак йўқолгани учун қидирилатганди. Яқинда қизчанинг бўғиб ўлдирилган жасади даладан топилди. Кўп ўтмай қотиллар ҳам аниқланди, қўлга олинди. Улар Шомаҳмуд, Жўрабек, Абдураззоқ исмли 14 дан 16 ёшгача бўлган ўсмирлар бўлиб чиқиди. Қотиллик ўзро жанжал туфайли рўй берган экан.



Узоққа кетолмади

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида истикомат қилган М. Одиловнинг уйига ўғрилиқ мақсадида «ташриф» буюрган номаълум кимса бундан-да қалтис ишга қўл урди. Ўзига қаршилиқ кўрсатган уй эгасини пичоқ билан ўлдириб, қочиб кетди. Аммо узоққа боролмади. Тез орада тузоққа олинди. У Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган И. Тобаёк эди.

Исмоил МИНОВАРОВ, ИИБ матбуот маркази ходими.

Жаҳон чемпионати кундалиги



Муҳлислар сони тўрт барабар ошди

Германияда давом этаётган 18-жаҳон чемпионати иштирокчиларининг ўзига кўп жалб этиши билан ўтган мундиаллардан фарқ қилади. Initiative тadbиротлари компанияси мълумотларига қараганда, ушбу чемпионатнинг телевизион аудиторияси 2002 йил Япония ва Жанубий Кореяда ўтказилган мундиалга нисбатан 26 фоизга ортган.

Иккинчи тур ортда қолди

Кеча Германияда 18-жаҳон чемпионатининг учинчи тур учрашувлари бошланди. Иккинчи тур ўйинларини «Н» гуруҳи вакиллари Испания — Тунис жамоалари яқунлаб беришди. Учрашунинг 8-дақиқасида Жаухар Мнари ҳисобни очган, кўпчилик Тунис чемпионатдаги навбатдаги шов-шувли натижани қайд этармикан, деб умид қила бошлаган эди. Аммо, бу ҳисоб

узук чўзилмади. Раул ва Фернандо Торрес(иккита) томонидан киритилган голлар Испания футболчиларининг 3:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Иккинчи тур учрашувларидан сўнг Эквадор, Германия, Англия, Аргентина, Голландия, Португалия, Бразилия ва Испания терма жамоалари мундиалдан олдин нимчорак финал йўлланмасига эга бўлишди. Польша, Коста-Рика, Парагвай, Кот д'Ивуар, Сербия ва Черногория, Эрон ва Тоғо мамлакатлари жамоалари гуруҳ баҳслариданоқ чемпионат ўйинларини яқунлашадиган бўлишди.

Абрамович чиптага 1,5 миллион доллар сарфлади

Англиянинг «Челси» клуби ҳўжайини Роман Абрамович жаҳон чемпионати ўйинлари ўтадиган ўнта стадиондан биттадан махсус (VIP) жойларни сотиб олди. Бунинг учун россиялик миллиардер 1,5 миллион АҚШ доллари турувчи 500 та чипта харид қилди. Махсус жой ўйин бошланшидан 2,5 соат олдин очилади ва яқунланганидан 2 соат кейин ёпилади.

Ун кишига мўлжалланган мазкур махсус жойларнинг ҳар бирида ўтандан одам ўйинларни бемалол томоша қилиши мумкин. Битта чиптанинг нархи 3 минг АҚШ доллари атрофида туради.

3. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

АТ «ПАХТА БАНК» ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН МУДДАТЛИ ВА ЖАМҒАРМА ОМОНАТ ТУРЛАРИГА БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

№	Омонат (депозит) номи	Депозит тури	Муддати	Йиллик фоиз ставкаси	Бошланғич бадал	Изоҳ
1.	«Оқ олтин»	муддатли	6 ой	22%	2 000 сўм	Ҳар бир ой учун ҳисобланган фоиз омонатчига олдиндан тўлаб берилади. Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатнинг асосий суммасига қўшилмайди.
2.	«Пахтакор»	муддатли	3 ой	21%	10 000 сўм	Маблағлар нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади. Ҳисобланган фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва ҳар ойда омонатчиларга тўлаб берилади.
3.	«Фаровонлик»	муддатли	3 ой	20%	5 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб берилади, ҳисоблаб 000 сўмдан ва олинмаган фоизлар омонатнинг асосий суммасига ҳар ойда қўшиб берилади.
4.	«Барақа»	муддатли	3 ой	14%	20 000 сўм	Фоизлар асосий суммага қўшилмайди, аванс тарихида (олдиндан) ёки босқичма-босқич омонатчиларга берилади, маблағлар нақд пулда қабул қилинади.
			6 ой	16%		
			9 ой	18%		
			12 ой	20%		
5.	«Саховат»	муддатли	1 йил	22%	20 000 сўм	Ҳисобланган фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва ҳар ойда омонатчиларга берилади, маблағлар нақд пулда қабул қилинади.
6.	«Баҳор»	муддатли	9 ой	20%	20 000 сўм	Ҳисобланган фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва ҳар уч ойда омонатчиларга берилади, маблағлар нақд пулда қабул қилинади.
7.	«Мадад»	муддатли	3 ой	24%	100 000 сўм	Ҳисобланган фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва сақлаш муддати тугагандан сўнг фоизлар асосий суммаси билан бирга омонатчиларга берилади, мазкур омонат турига маблағлар 2006 йилнинг 19 июнидан 2006 йилнинг 15 июлигача қабул қилинади.
8.	«Шодлик»	муддатли	3 ой	22%	100 000 сўм	Ҳисобланган фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва сақлаш муддати тугагандан сўнг фоизлар асосий суммаси билан бирга омонатчиларга берилади, мазкур омонат турига маблағлар 2006 йил 5 июндан 2006 йил 10 августгача қабул қилинади.
9.	«Маиший тўлов»	жамғарма	2 йил	30%	Бошланғич миқдори ҳар ойда тўланадиган коммунал ва бошқа тўловларнинг суммасига нисбатан аниқланади.	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда фақатгина коммунал тўловларга ўтказилиб берилади.
10.	«Болалар келагачимиз» (14 ёшгача болалар учун)	жамғарма	1 йил	18% дан 20% гача	10 000 сўм	Фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва ҳар 3 ойда омонатчиларга берилади, маблағлар нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади. Омонатнинг миқдорига ва муддатига қараб даромад тўланади. Омонатчи камидан бир йилдан сўнг мазкур депозитни ёпиши ва омонатнинг асосий суммаси ҳамда унга ҳисобланган фоизларни олиши мумкин.
			2 йил	19% дан 21% гача		
			3 йил	20% дан 22% гача		
			4 йил	21% дан 23% гача		
			5 йил	22% дан 24% гача		
11.	«Навниҳол» (16 ёшдан 25 ёшгача)	жамғарма	1 йил	МБ қайта молиялаш ставкасида	1 000 сўм	Мазкур омонат 16 дан 25 гача ёшгача бўлган ёшлар учун очилади, фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва муддати тугагандан сўнг омонатчиларга берилади, маблағлар нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади. Қўйилган маблағлар миқдори муддати тугагандан сўнг 50 000 сўмга етган бўлса, жами тўланадиган даромаддан 10% қўшимча даромад берилади.
12.	«Ҳосил»	жамғарма	6 ой	22%	20 000 сўм	Маблағлар томонлар ўртасида тузилган шартнома шартларига асосан, аҳолининг кишлоқ ҳўжалиги соҳасида бевосита хизмат қилаётганлардан фақат нақд пулда ҳамда 2006 йил пахта, ғалла, дон ва гуруч-шоли ҳосилини етиштиришда ва йиғиштириб олишда қатнашаётган меҳнатқашлардан эса, уларнинг транс орқали юборилган меҳнат ҳақларини пул ўтказиш орқали икки босқичда: а) биринчи босқич 2006 йилнинг 5 июнидан 10 августгача бўлган давр мобайнида; б) иккинчи босқич 2006 йилнинг 1 сентябридан 10 ноябригача бўлган давр давомида қабул қилинади.
13.	Пластик карточка омонат тури	муддатсиз		18%	бир минимал иш ҳақи	Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчиларга берилади, маблағлар нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади.

Омонатга қўйган маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган! «Пахта банк» фаровонлигингиз калитидир!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳсмаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 857. 27344 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхона билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғач ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қороздан эиэд материаллар қабул қилинмайди.

Т—Таъжират материали

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни —

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болшев.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳах — М. Ёқубова.

Тошкент вилояти тери-таносил касаликлар диспансери жамоаси бош хисобчи Холида Ориббеова падали бузруквори ЭЛМУРОД отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.